Volume 2, Issue 2,2024

ДАВЛАТ ХИЗМАТИ ВА ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИ ТУШУНЧАСИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ТИЗИМДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР

Гулчехра Ашурова
Ўзбекистон Республикаси Президент ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги бош инспектори

Аннотация: Ушбу мақолада давлат хизматчиси тушунчасининг мазмун-моҳияти, ривожлантиш босқичлари, олимлар қарашлари, Ўзбекистонда тизимда қилинаётган ислоҳотлар ҳақида батафсил маълумот берилган.
Калит сўзлар: Давлат, давлат хизмати, давлат фуқаролик хизмати, ватанпарварлик, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги”ги қонун

Кириш: Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришиши билан суверен ҳуқуқий демократик давлатни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган давлат хизматини ташкил этиш эҳтиёжи юзага келди. Бундай шароитда биринчи галда малакали кадрларни тайёрлаш, давлат хизматини замонавий билимга эга, ватанпарвар кадрлар билан тўлдириш муҳим аҳамият касб этди. Бу даврда ривожланган давлатлар тажрибаси ўрганилади, миллий ва тарихий анъаналарга таянилади.

Ўзбекистонда давлат хизматини ислоҳ қилинаётганда қонунларга қатъий риоя этадиган, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари устунлигини тан оладиган, давлатнинг вазифа ва функцияларини амалга оширадиган, юқори малакали профессионал давлат хизматчилари корпусини шакллантиришни мақсад қилди. Давлат номидан ҳаракат қилаётган хизматчига қараб давлатга баҳо берилади. Шу сабабли, ҳар бир давлатда давлат хизматининг қандай шаклланган жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

“Давлат хизматчиси” тушунчаси Ўзбекистон бошқарув тизимида тадқиқ этилган, қонуний асослари босқичма-босқич шаклланиб бораётган соҳа ҳисобланади. Ўзбек давлатчилик тарихида ушбу соҳага доир кўплаб адабиётлар мавжуд. Мисол учун, “Абу Наср Фаробий “Фозил одамлар шаҳри” асарида ўз даври ва кейинги давр давлат хизматчиси учун лозим бўлган “12 хислат ва жиҳатлар” ни келтириб ўтган. Шунингдек, Амир Темур ҳам давлатни идора қилиш, ўзининг амирларини тайинлаш, уларга бўлган талабларга доир фикрларини “Темур тузуклари” асарида шундай баён қилади: “Давлатни бошқарувчи салтанат юмушларида тўрт ишни қўлласин, яъни, кенгаш, машварату маслаҳат, ҳушёрлигу мулоҳазакорлик, эҳтиёткорлик”[1]. Шу билан биргаликда, унинг “Куч адолатдадир” деган шиори бошқарув соҳасидаги давлат хизматчиси фаолиятининг асосий мезони бўлиши шартлигини таъкидлаб ўтади.

Давлат хизмати соҳасида самарали фаолият юритишнинг асосий шартларидан бири – давлат хизмати белгиларини, унинг мақсад ва вазифаларини аниқ, чуқур англаш ва атрофлича билишдирр.

Ҳуқуқшунос олим Д.Н.Бахрахнинг фикрича: “Инсонларнинг, шунингдек, давлат ва жамиятнинг мақсадга мувофиқ фаолият йўналишларидан бири – бу хизматдир. Бу тушунча турли маъноларда: инсоннинг фаолият тури, ижтимоий-ҳуқуқий институт, давлат органларининг махсус тизими маъносида ишлатилиши мумкин. Хизмат – бошқарувдан,

[1] “Давлат хизмати тизимини ислоҳ қилиш шароитида давлат кадрлар сиёсати: ўзбекистон тажрибаси ва хорижий амалиёт” мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференцияси материаллар тўплами 2019 йил 15 ноябрь

давлат фаолиятини амалга оширишдан, бошқарувни таъминлашдан, аҳолига ижтимоий-маданий хизмат кўрсатишдан иборат”[2]

Давлат хизмати ва давлат бошқаруви назариясида ҳам “давлат хизмати” тушунчасига турли таърифлар берилган. Масалан, америкалик олим С.Хортоннинг фикрича, “Давлат хизмати бу — биринчидан, давлат бошқарувида ишлаш учун давлат томонидан ёлланган шахслар, иккинчидан, давлат томонидан молиялаштириладиган хизмат, учинчидан, одамларнинг жамият фаровонлигига ҳисса қўшиши учун зарур бўлган туртки (мотив)лардир[3]

Бу соҳада бир гуруҳ олимларимиз ҳам изланиш олиб боришган. Олимларнинг таърифлашича, давлат хизмати бу — профессионал фаолият, яъни, давлат хизматчисининг давлат олдида турган вазифа ва функцияларни амалга оширишга қаратилган фаолиятидир. Мазкур фаолиятни олиб бориш жараёнида давлат органларининг ваколатлари амалга оширилади. Бу фаолият давлат органларининг фаолият юритишини таъминлашга қаратилган.

“Давлат хизматчиси ўз фаолиятини давлат хизматчилари лавозимлари реестрига киритилган лавозимларда амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси фуқаросидир”. “Давлат хизматчиси – нафақат малакали бошқарувчи, балки ваколати доирасига давлат вазифаларини амалга ошириш ва давлат ҳокимияти органларининг ваколатларининг малакали ижросини таъминлаш кирадиган мансабдор шахс ҳамдир. Давлат хизматчиси – бу оддий ходим эмас, у давлат топшириғи ва манфаатлари бўйича унинг номидан ҳаракат қилувчи инсондир. У фуқаролар манфаатлари йўлида давлат органлари тизимида давлат ҳокимияти ваколатларини бажарадиган, халқ ифода этиб, ижтимоий масалаларни ҳал этадиган махсус ижтимоий фуқаролар бирлигининг вакили ҳисобланади”[4] .

Кўриниб турибдики, давлат хизмати фаолияти жамиятдаги бошқа соҳалардан фарқ қилади, бу фаолиятни амалга оширувчи шахсга қўйиладиган талаблар, уни танлаш учун назарда тутиладиган мезонлар ўз хусусиятларига эга бўлиб, уларнинг мукаммал бўлиши давлат ва жамият ривожи, равнақи учун катта аҳамият касб этади.

ейинги йилларда Ўзбекистонда давлат ва жамият бошқаруви ҳамда кадрлар сиёсатида катта ислоҳотлар олиб борилмоқда. Айниқса, сўнгги 3 йилда замонавий бошқарув кадрларини тайёрлаш, малакасини ошириш, муносиб номзодларни танлаш ва лавозимга қўйиш масалаларига эътибор берилди. Хусусан, “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислоҳотлар концепцияси”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истиқболли бошқарув кадрларини танлов асосида танлаб олишнинг замонавий тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони шулар жумласидан.

Шунингдек, Ўзбекистон тарихчилигида илк маротаба “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун қабул қилинди[5]. 2022 йилнинг 4 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида давлат хизматини ислоҳ қилиш ва бошқарувда натижадорликни ошириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилишида давлат раҳбари ушбу

[2] Бахрах Д. Н. Административное право. – М.,1993.

[3] Horton S., (2008) “History and Persistence of an Idea and an Ideal,” in Motivation in Public anagement: The Call of Public Service, James L. Perry and Annie Hondeghem, eds. (New York: Oxford University Press).

[4] Хожиев Э.Т., Исмаилова Г.С., Рахимова М.А. Давлат хизмати: ўқув қўлланма, -Тошкент, Baktriyapress. 2015

[5] https://lex.uz/docs/6145972

Қонуннинг қабул қилиниши тарихий воқеа бўлиб, ушбу масала қарийб 30 йилдан бери кейинга сурилиб келинаётганлигини, унинг қабул қилиниши эса 35 миллион аҳолининг ҳаётини енгил қилишини, кайфиятига бевосита таъсир кўрсатадиган дастурамал бўлишини таъкидлаб ўтди. Қонунда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги махсус ваколатли орган этиб белгиланди ва бу мамлакатда соҳада замонавий, халқчил ислоҳотлар бошланган

Ушбу қонунда “Давлат фуқаролик хизмати” термини қўлланилган ва унга қуйидагича таъриф берилган. “Давлат фуқаролик хизмати — давлат хизматининг бир тури бўлиб, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат фуқаролик хизмати лавозимларидаги давлат органлари ваколатлари амалга оширилишини таъминлашга доир ҳақ тўланадиган касбий фаолиятини ифодалайди”.

Олиб борилаётган ишлар билан бирга, ҳали бу йўналишда кўплаб муаммолар мавжуд. Хусусан, олиб борилган кузатув ва таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистонда маҳаллий даражадаги раҳбар кадрлар, илмий тил билан айтганда, давлат хизматчилари ҳалиҳануз эскича бошқарув усуллари ва ёндашувлардан воз кеча олмаяпти. Садоқат билан хизмат қилиш, халқ билан мулоқот, уларни рози қилиш ҳар бир давлат хизматчиси фаолиятининг асосий тамойилига айланган бир вақтда, айрим раҳбар ва ходимлар хизмат вазифасига, фуқароларга бўлган муносабатини ўзгартирмаяпти. Улар феълида манманманлик, узоқни кўра билмаслик сансалорлик, ижтимоий адолатсизлик, бюрократизм каби замонавий бошқарувга ёт бўлган иллатларни кўриш мумкин.

Бу ҳақда давлатимиз раҳбари ҳам таъкидлаган эди: “Лекин, ҳали давлат хизмати чинакам халқни рози қиладиган тизимга айлангани йўқ”[6].

Қолаверса, давлат хизматчиларини меритократик тамойиллар асосида танлаш, муносиб кишиларни лавозимларга қўйиш, уларнинг стажировкаси, ротацияси, аттестация тартиблари, давлат хизматчилигига малакали кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз малакасини оширишга оид қоидаларни ўз ичига олган, ягона қонуности ҳужжатни қабул қилиш лозим. Ушбу масалаларнинг ҳал қилиниши бугунги кунда олиб борилаётган ислоҳотларда ўз самарасини бермай қолмайди.

ХУЛОСА...

Таъкидлаш жоизки, давлат хизматчиси – бу оддий ходим эмас, у давлат номидан ҳаракат қилувчи инсондир. У фуқаролар манфаатлари йўлида давлат органлари тизимида давлат ҳокимияти ваколатларини бажарадиган, халқ ифода этиб, ижтимоий масалаларни ҳал этадиган махсус ижтимоий фуқаролар бирлигининг вакили ҳисобланади. Ҳар қандай давлатда, давлат хизматини ташкил этишнинг асосий мақсад — халқ розилигини олиш, тараққий этишдир. Бу борада Ўзбекистон танлаган халқчил йўл ҳам ўз натижасини беради.

Адабиётлар:

1. “Давлат хизмати тизимини ислоҳ қилиш шароитида давлат кадрлар сиёсати: ўзбекистон тажрибаси ва хорижий амалиёт” мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференцияси материаллар тўплами 2019 йил 15 ноябрь

2. Бахрах Д. Н. Административное право. – М.,1993.

3. Horton S., (2008) “History and Persistence of an Idea and an Ideal,” in Motivation in Public anagement: The Call of Public Service, James L. Perry and Annie Hondeghem, eds. (New York: Oxford University Press).

[6] Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот котибининг расмий канали https://t.me/Press_Secretary_Uz/2191

4. Хожиев Э.Т., Исмаилова Г.С., Рахимова М.А. Давлат хизмати: ўқув қўлланма, -Тошкент, Baktriyapress. 2015
5. https://lex.uz/docs/6145972
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот котибининг расмий канали https://t.me/Press_Secretary_Uz/2191

